

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил июль ойининг 4 куни, жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг судьяси [REDACTED] нинг раислигида, судья ёрдамчиси [REDACTED] нинг котиблигида, давлат айбловчиси [REDACTED] туман прокурорининг ёрдамчиси [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси “ [REDACTED] ” адвокатлик бюроси адвокати [REDACTED], фуқаровий даъвогарлар [REDACTED], [REDACTED], [REDACTED], [REDACTED] нинг иштирокида, судланувчи [REDACTED] га оид № [REDACTED] -сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED], 1986 йил 11 апрел куни [REDACTED] туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, илгари АТ “ [REDACTED] ” филиали юридик шахслар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси лавозимида ишлаган, илгари судланмаган, [REDACTED] тумани “ [REDACTED] МФЙ [REDACTED] ” кўчаси 61-уйда яшайди, 2021 йи 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси ЖПК 221-моддаси тартибида ушланиб, 2021 йил 7 декабрь куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2022 йил қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чоарси гаров эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, айблов хулосаси нусхасини белгиланган муддатда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “а,б,в,г” бандлари ва 209-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогарлар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

А н и қ л а д и:

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси [REDACTED] “ [REDACTED] ” филиали юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлимининг етакчи мутахассиси лавозимида ишлаб келиб, мансаб мавқеини суиистеъмол



қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, 2019 йил 21 декабрь куни 2381-сонли кредит шартномаси асосида 21 000 000 (йигирма бир миллион) сўм миқдоридаги кредит маблағлари ажратилишига эришиб, ушбу пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, фуқаро [REDACTED] нинг номига 2020 йил 28 февралда расмий ҳужжат ҳисобланган жисмоний шахсга кредит картаси бериш тўғрисидаги 121-сонли шартномани қалбакилаштириб, унинг номига 10 000 000 (ўн миллион) сўм миқдоридаги кредит маблағлари ажратилишига эришиб, ушбу пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, 2021 йил 20 май куни [REDACTED] нинг номига 78-сонли кредит шартномаси асосида 30 000 000 (ўттиз миллион) сўм миқдоридаги кредит маблағлари ажратилишига эришиб, ушбу пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил 25 июн куни 217-сонли кредит шартномаси асосида [REDACTED] нинг номига “Ҳар бир оила тадбиркор” давлат дастури асосида чиқарилган 30 000 000 (ўттиз миллион) сўм миқдоридаги кредит маблағларини нақдлаштириб олиб, ушбу пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Ўзбекистон Республикаси АТ “ [REDACTED] филиалининг 2022 йил 4 июлдаги 16-02/264-сонли маълумотномасига кўра,

Бир қисмини ажратиш қарорини киритиш шарт.

Судланувчи [REDACTED] айбига қисман иқrorлик билдириб, 2007 йилдан 2018 йилга қадар “ [REDACTED] ”нинг [REDACTED] филиалида, 2019 йилнинг июл ойдан 2021 йилнинг декабрь ойига қадар АТ “Халқ банки” [REDACTED] филиалида юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлимида мутахассис лавозимида ишлаганлиги, мутахассис сифатида хизмат вазифаларига мижозларни тўлов топшириқномаларини ўтказиш, мижозларнинг ҳисоб рақамларидан чек орқали нақд пул ечиб бериш, кредитлар ажратиш ва кредитларни ўз вақтида ундириш кабилар кириши, 2019 йилнинг декабрь ойида таниши [REDACTED] нинг розилиги билан унинг номига “ [REDACTED] ”



банки” █████ филиалидан 21 000 000 сўм миқдорида истеъмол кредити олганлиги, у █████ билан гаплашиб олинган 21 000 000 сўм миқдоридаги кредит маблағларининг 7 000 000 сўмига маиший техника сотиб олиб, олинган кредитни ўзи тўлашни илтимос қилганлиги, █████ уни таклифига рози бўлганлиги, шундан сўнг у █████ нинг номига 21 000 000 сўм кредит маблағларини чиқариб бериб, шартнома асосида ушбу кредит маблағларини таъминотчи █████ туманидаги “█████” МЧЖ ҳисобига кўчириб берганлиги ва ушбу МЧЖдан 7 000 000 сўмга ҳисоблаб бир дона “█████” русумли кондиционер ва бир дона “█████” русумли телевизор сотиб олганлиги, кдритнинг қолган 14 000 000 сўмига эса █████ нинг ўзи ушбу таъминотчи МЧЖдан маиший техника воситалари сотиб олганлиги, ушбу кредит ҳужжатларининг барчасига █████ нинг ўзи имзо қўйганлиги, ҳозирда ушбу кредитнинг ўзи фойдаланган 7 000 000 сўмнинг жами 2 400 000 сўмини тўлаганлиги, 7 336 000 сўм асосий ва фоиз қарздорлиги мавжудлиги,

2020 йилнинг май ойида маҳалладоши █████ опаси █████ нинг номига хунармандчилик йўналишида 30 000 000 сўм миқдорида кредит олишида ёрдам беришни сўраб илтимос қилганлиги, у █████ ҳам бир маҳаллада яшаганлиги сабабли ёшлигидан таниши, у █████ га керакли ҳужжатларни йиғиб келса кредит чиқариб беришда ёрдам беришни айтганлиги, █████ нинг номидан барча айрилган ҳужжатларни йиғиб келиб унга топширганлиги, у тегишли ҳужжатларни расмийлаштирганлиги, █████ нинг ўзи банкка келиб барча тегишли ҳужжатларга имзо қўйганлиги, шундан сўнг у █████ шартнома қилиб келган таъминотчи “█████ бизнес” МЧЖга тикув машиналари учун ушбу 30 000 000 сўм миқдоридаги пулларни ўтказиб берганлиги, у пулга муҳтож бўлиб қолганлиги сабабли █████ дан ушбу кредит пулларини қарз сифатида беришни, кредит қарздорлигини ўзи тўлаб боришни илтимос қилганлиги, █████ унинг таклифига рози бўлганлиги ва таъминотчи “█████” МЧЖдан чиқарилган кредит пулларини 25 000 000 сўм нақдлаштириб олиб, ушбу пулларни унга қарз сифатида берганлиги, у ушбу пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганлиги,

2020 йилнинг феврал ойида █████ исмли аёл Халқ банки” █████ филиалига кредит олиш учун мурожаат қилганлиги, у гулнора исмли аёлга кредит учун ҳужжатларни расмийлаштириб келишини айтиб, ҳужжатлар рўйхатини берганлиги, █████ исмли аёл барча ҳужжатларни расмийлаштириб келиб, синглиси █████ ҳужжатларини ҳам тақдим қилганлиги, у █████ исмли аёлга кредит линияси тўхтаганлиги, ҳозирда Республикаси раҳбарияти кредит



чиқаришга рухсат бермаётганини айтиб, олиб келган хужжатларини ўзида олиб қолиб, уни алдаб жўнатиб юборганлиги ва Раззоқова Раънонинг номига кредит расмийлаштириб, шартномаларга Раззоқова Раънонинг номидан ўзи имзо қўйиб 5 йил муддатга 10 000 000 сўм миқдорида кредит маблағларини чиқариб, ушбу пулларни ўзининг банкдаги қарздор мижозларининг кредит маблағларини сўндиришга сарфлаганлиги, [REDACTED] банк мижози сифатида таниши, 2021 йилнинг ёз ойларида [REDACTED] ни номига 30 000 000 сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағларини чиқариб берганлиги, [REDACTED] нинг ушбу кредит маблағларидан қандай мақсадда фойдаланганидан хабари йўқлиги, 2021 йилнинг октябрь ойини ўрталарида [REDACTED] дан 25 000 000 сўм миқдорида қарзга пул олганлиги, 2021 йилнинг ноябрь ойида 28 500 000 сўм қилиб қайтариб бериш шarti билан қарзга пул олганлиги, бироқ белгиланган муддатда [REDACTED] га қарзини қайтара олмаганлиги, шу сабабли 2021 йилнинг 01 декабрь куни [REDACTED] ни уйига бориб бирор ташкилотга ариза ёзмай туришини айтиб, олган пулларини 2021 йилнинг 10 декабрь куни 30 000 000 сўм қилиб қайтариб беришни ваъда қилганлиги, [REDACTED] унинг гапига рози бўлганлиги, бироқ 2021 йил 06 декабрь куни туман прокуратураси томонидан қamoққа олинганлиги сабабли [REDACTED] дан олган пулларни қайтариб бера олмаганлиги, 2021 йилнинг 6 декабрь куни туман прокуратураси томонидан қamoққа олинганидан сўнг 2021 йилнинг 13 декабрь куни 50 000 000 сўм, 2022 йилнинг 1 март куни эса 16 700 000 сўм миқдоридаги пулларни олинган кредит тўловлари эвазига зарарни қоплаш мақсадида прокуратура депозитига топширилганлиги, зарар қопланганидан сўнг 2022 йил 2 март куни унга нисбатан қўлланилган қamoққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси гаров эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, озод этилганлиги, айбига қисман иқrorлиги, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароитини инобатга олиб, қонун доирасида ёрдам беришни сўраб, кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар [REDACTED] суд мажлисида, туман ҳокимлиги ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномасига асосан 201 йилнинг бошларида 30 000 000 сўм миқдорида имтиёзли кредит олиш учун АТ “Халқ банки” [REDACTED] филиалига мурожаат қилиб, банк ходими [REDACTED] га учрашганлиги, [REDACTED] унга тегишли хужжатларни расмийлаштириб келишини айтганлиги, у айtilган барча хужжатларни тўплаб келиб [REDACTED] га топширганлиги, банк ходими уни олти ойлар давомида сарсон қилиб кредитни чиқариб бермаганлиги, 2021 йилнинг август ойида таъминотчи [REDACTED] унга кредит 30 000 000 сўм миқдоридаги кредит МЧЖ ҳисобига тушганини, банкка бир миллион сўм пул бериш кераклигини айтганлиги, у [REDACTED] га банк



ходимларига пул бериш имконияти йўқлигини айтиб, ҳисобига келиб тушган пулдан беш юз мингдан бир миллион сўм беришини айтганлиги, [REDACTED] уни таклифига рози бўлганлиги, шундан сўнг [REDACTED] унга шартномага кўра нон пиширадиган электр печ олиб келганини, печни олиб кетишини айтганлиги, [REDACTED] олиб келган печ юқори кучланишли токка ишлаганлиги, унинг уйида юқори кучланишли ток бўлмаганлиги сабабли электр печнинг пулини беришини сўраганлиги, [REDACTED] унга 25 000 000 сўм пул беришин айтганлиги, бироқ у бунга рози бўлмасдан, бу ҳақида банк ходими [REDACTED] га телефон қилиб айтганлиги, [REDACTED] уни банкка келишини айтганлиги, у банкка борганида [REDACTED] унга [REDACTED] томонидан таклиф қилинган 25 000 000 сўм миқдоридagi пулларни олишини, ушбу пулларни унга беришини, бир ой муддатда пулларни 30 000 000 сўм қилиб қайтариб беришни ваъда қилганлиги, у 3.Махсудовнинг таклифига рози бўлиб, таъминотчи [REDACTED] дан 25 000 000 сўм миқдоридagi пулларни олиб [REDACTED] га берганлиги, 3.Махсудов унга пулларни олганлиги ҳақида тилхат ёзиб берганлиги, бироқ белгиланган вақтда [REDACTED] унга пулларни бермаганлиги, 2021 йилнинг декабрь ойига келиб туман прокуратураси томонидан [REDACTED] қамоққа олинганлиги, шундан сўнг у [REDACTED] пулларини ундириб беришни сўраб туман прокуратурасига ариза билан мурожаат қилганлиги, ҳозирда банкдаги кредит қарздорлиги умуман қопланмаганлиги, [REDACTED] дан пулларни ундириб кредит қарздорлигини бартараф қилишда амалий ёрдам беришни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, 2019 йил декабрь ойида таниши [REDACTED] унга маиший техника воситалари олишини айтиб, агарда рухсат берса унинг номига кредит маблағи олишини, кредит тўловларини ўзи тўлаб боришини айтганлиги, у таниши [REDACTED] учун ўзини номига кредит чиқаришга рози бўлганлиги, шундан сўнг йиллик даромади ҳақидаги маълумотнома ва паспорт нусхасини унга берганлиги, орадан бир неча кун ўтиб [REDACTED] ва унинг [REDACTED] исми таниши билан биргаликда АТ “ [REDACTED] ” [REDACTED] филиалига боришганлиги, банкда [REDACTED]

исми банк ходими уни номига кредит ҳужжатларини расмийлаштириб унга барча ҳужжатларга имзо қўйдирганлиги, у барча ҳужжатларга ўз розилиги билан имзо қўйиб берганлиги, шундан сўнг унинг номига 21 000 000 сўм миқдоридa кредит чиққанлиги ва ушбу кредит пулларини [REDACTED] олганлиги, [REDACTED] ушбу кредит маблағини нима мақсадда сарфлаганлигидан хабари йўқлиги, 2021 йилнинг сентябрь ойида уйига АТ “ [REDACTED] ” [REDACTED] филиали ходимлари келишиб, номига чиққан кредитдан қарздорлиги борлиги, кредит тўловларини тўлашини айтганлиги, у таниши



█га телефон кредит қарздорлиги бўйича банк ходимлари бевовта қилаётганлиги, нима сабабдан олган кредитини тўламаётганини сўраганида, █ унга кредит маблағларини ўз вақтида банк ходими █га тўлаб келаётганини айтганлиги,бу воқеалардан унинг отаси хабари топиб, █ни уйига борганлиги, █нинг уйига банк ходими █ ҳам келганлиги ва улар кредит тўловини тўлиқ тўлаб беришлари, уларни банк ходимлари бошқа бевовта қилмаслигини ваъда қилишганлиги, келгуси ой ҳам номидаги кредит қарздорлиги тўланмаганлиги сабабли отаси туман ДХХ бўлимига ариза билан мурожаат қилганлиги, у ушбу кредит маблағларини ўзи учун сарфламаганлиги, бироқ кредитнинг барча ҳужжатларига ўзи имзо қўйганлиги, таниши █нинг илтимосига кўра унга кредитни олиб берганлигини айтиб, кўрсатув берди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 463, 465-468, 472-473 моддаларини қўлаб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

█ Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,г” бандлари ва 209-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

█ Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,г” бандлари билан, ЖКнинг 45-моддасини қўлаб, корхона, муассаса, ташкилотларда мансабдорлик лавозимларида ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга маҳрум қилиб, 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

█, ЖКнинг 209-моддаси 1-қисми билан 1 (бир) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил, ЖК 45-моддасига асосан корхона, муассаса, ташкилотларда мансабдорлик лавозимларида ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга маҳрум қилиниб, 2 (икки) йил 6 (олти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 62-моддасига асосан █ дастлабки қамоқда 2021 йил 6 декабрдан 2022 йил 2 март кунига қадар 86 кун сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун узил-кесил 2 йил 3 ой 4 кун кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.



█ га сутканинг соат 22:00дан 6:00гача бўлган вақтида яшаш жойидан, яъни █ тумани █ МФЙ █ кўчаси 61-уйдан чиқиш чеклансин.

█ зиммасига:

-оммавий тадбирлар (байрам сайиллари, намойишлар, митинглар)да иштирок этмаслик;

-маҳкумни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда █ вилояти худудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.

█ га қўлланган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин ва █ нинг ИНН █ МФО █ рақамли депозит ҳисоб рақамида сақланаётган (беш миллион беш юз минг) сўм миқдоридаги пуллар гаровга қўювчи █.

█ ИНН █ -рақамли депозит ҳисоб рақамида сақланаётган 66 700 000 (олтмиш олти миллион етти юз минг) сўм пуллар █ нинг кредит тўлови учун █ филиалига ўтказилсин.

Судланувчи █ дан АТБ Халқ банки █ филиалига етказилган 10 404 000 сўм моддий зарар ундирилсин.

Манфаатдор томонларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар асосида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томон йигирма сутка ичида, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нухасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича █ туман суди орқали █ вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья █

“Ҳукм нухаси аслига тўғри”
судья:

